

Йўллар таъмирталаб, электр таъминоти танқис эди...

2-с.

Амалиётда “еттилик” таклифи инобатга олиняпти

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
11 ДЕКАБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№80
(2218)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАФТАНИНГ ҲАР БИР КУНИ ХАЙРЛИ АМАЛГА БАНД

Чортоқ тумани мамлакатимизнинг энг хушманзара масканларидан бири ҳисобланади. Ҳудудда 57 та маҳалла мавжуд.

Иқлим шароитидан келиб чиқиб, деҳқончилик ва чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик, балиқчилик ўсиш нуқтаси сифатида ривожланмоқда. Бундан ташқари, туризм салоҳияти юқори.

Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “еттилик” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида “Наманган тажрибаси” жорий этилган.

Давоми 2-саҳифада.

ЕТАКЧИ САЛОҲИЯТЛИ БЎЛСА, ЁШЛАР ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙДИ

Миграциядаги ёшлар билан ишлаш — маҳалла фаолидан катта салоҳиятни талаб қилади. Бошқа чет элда рўзғор ташвишида юрган кишини ортга қайтариш, унинг бандлигини таъминлаш — ўзидан ўзи бўладиган иш эмас.

4-саҳифада.

“БОЛАМНИ ОЛИБ КЕТАМАН”, ДЕГАНИ БИЛАН ОИЛАДАГИ НИЗО ТИНЧИБ ҚОЛМАЙДИ

Орамизда турмушидан норози бўлган, арзимаган сабаблар билан рўзғорининг тинчини бузаётганлар борлиги жуда ачинарли. Кўпчилигида низони юзага келтираётган баҳона — ўзаро бир-бирини тушунмаслик. Ҳайрон қоласан киши, уларга тинч-хотиржам яшаши учун нима етишмас экан-а?

8-саҳифада.

АНИҚ РАҚАМ

Yashil makon

МАҲАЛЛАЛАРДА 97 ФОИЗ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ ЭКИБ БЎЛИНДИ



“Яшил макон” лойиҳаси доирасида 80 миллион туп кўчат экиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт кўчатлари экиш анъанаси жонланди.

Ўтган давр мобайнида “Яшил макон” бизга кўчат экишни, парвариш қилишни, иқлим шароитига мос ниҳолларни танлашни, олимлар билан бамаслаҳат иш олиб боришни, хонадонларда кўчат кўпайтиришни, кўча, маҳалла-гузарларни обод қилишни, боғлар ташкил қилишни ўргатди. Умуман олганда, Президент ташаббуси, аҳоли фаоллиги туфайли бу тизим ўзидан кутилган натижаларни бера бошлади.

Жорий йил кузги мавсумда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. Баҳорда 138 миллион дона кўчат экилган эди. Вазирлик ва ҳокимликлар 257 та боғ барпо қилган. “Менинг боғим” лойиҳаси 215 та лойиҳа бўйича босқичма-босқич экиш ишлари бошланди.

Кузги мавсумга мўлжалланган марранинг бугунга келиб 97 фоиздан ортиғи, яъни республика бўйича 77,5 миллион тупдан зиёди экиб бўлинди. Айни пайтда водий вилоятлари, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси пешқадамлар сафида.

САРҲИСОБ

ҲАР БИР МУРОЖААТ “ЕТТИЛИК” НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Хоразм вилоятида 531 та маҳалла бор, “еттилик” ходимлари 3 181 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида вилоят бошқармасига 4 140 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 3 873 таси, яъни 93,5 фоизи ижобий ҳал бўлди. Бу — ташкил этилган тизимнинг натижаси, албатта.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари иштирок этган семинарда “маҳалла еттилиги” фаолият самарадорлигини оширишда маҳалла раисининг координацион бошқарув усули, “Рақамли маҳалла” платформасидан фойдаланиш, “еттилик” фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари, “Маҳалла сервис компанияси”ни ташкил этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.



Mahalla 365

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 августдаги тегишли қарори билан “Энг тоза маҳалла” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.



“Энг тоза маҳалла” танлови Экология вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилади.



Номзод маҳаллалар ҳар йили 1 октябрдан 30 октябрга қадар Уюшманинг туман (шаҳар) бўлимларига ариза беради.



Танлов ҳар йили ноябрь-январь ойларида туман, вилоят, республика босқичларидан иборат шаклда ўтказилади.

- **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича энг кўп балл тўплаган биттадан маҳалла ғолиб деб топилади.**
- **Танлов ғолиблари 21 март — Наврўз байрами арафасида тантанали тарзда тақдирланади.**
- **Ғолибларга 500 миллион сўмдан пул мукофоти ҳамда биттадан электромобиль топширилади.**



ДИҚҚАТ!

ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!
Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



Президент раислигида аҳолини талаб юқори бўлган КАСБЛАРГА ЎҚИТИШ ва даромадли иш билан таъминлаш бўйича йиғилиш ўтказилди.



Шавкат Мирзиёев “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.



Давлатимиз раҳбари НАВОИЙ ВИЛОЯТИда қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўринларини кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

МАНЗАРА

ЙЎЛЛАР ТАЪМИРТАЛАБ, ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАНҚИС ЭДИ...

Кейинги йилларда доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга катта эътибор беряпмиз. Асосий мақсадимиз — маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш. Зеро, ишсизлик ортидан муаммо келиб чиқиши сир эмас. Шу боис ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини яхшилаш, улар учун муносиб иш ўринлари яратиш муҳим.

Шоймардон БЕКНАЗАРОВ,
Шўрчи туманидаги “Наврўз” маҳалласи раиси.

“Драйвер” — хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик. Жорий йил 70 нафар талабгорга тадбиркорлик йўналишида имтиёзли кредит ажратдик. Натижада ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланиб, янги иш ўринлари яратилди.

Файзиқул Маҳмудова ишсизлиги сабабли “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. 20 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига қуёнчилик йўналишида иш бошлади. Ўзидан ташқари, 2 нафар хотин-қизни иш билан банд қилди. Қуёнларнинг ҳар донасини 35-70 минг сўмдан сотяпти.

Йил бошида 44 нафар ишсиз бор эди. Бугунга келиб, 41 нафарининг бандлиги таъминланди. Бунинг учун имтиёзли кредит, субсидия ажратилди. 18 нафар ёшга 30 сотихдан ер бердик. Йил охиригача қолган фуқаролар бандлиги таъминланади. Улар касб-ҳунар марказида ўқитилмоқда.

Ҳудуд инфратузилмаси яхшиланса, аҳолининг яшаш сифати ортиб, тадбиркорлик муҳити ривожланади. Афсуски, яқин йилларгача маҳалла туман марказида жойлашган бўлса-да, бу жиҳатдан мақтана олмасдик. Йўллар таъмирталаб, электр таъминоти абгор эди.



Сўнгги 2 йил давомида манзара тубдан ўзгарди. Масалан, жорий йил Алиқул Бойбўтаев кўчасининг 400 метр, Аллаберди Сафаров, Гулистон, Жўра Ашуров кўчасининг 1,3 км., Мустақиллик кўчасининг 2 км. ички йўли асфальтланди. Хонадонларга ичимлик сув тармоғи тортилди. Электр таъминотида муаммони бартараф этиш учун йил охиригача 175 дона эски симёғочни янгилаш режага киритилган. Марказий шифохона қайта қурилиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ортди. Йил якунигача 4,7 км. йўл асфальтланиши белгиланган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, қайта хатлов ўтказдик. Унда 10 та хонадон танлаб олинди. Қисқа вақт ичида зарур кўмак кўрсатилиб, 2 таси рўйхатдан чиқарилди. Яна 2 та оиланинг фарзанди мусиқа мактабига жойланди. 3 та хонадон томорқасига ишлов берилиб, лимон ва бошқа мевали дарахт кўчати экилди. Уч нафар аёл касб-ҳунар марказида тикувчиликка ўқитилмоқда. Сертификат олгач, уларга тикув машинаси ажратилади.

Камбағал оила вакиласи Гулнора Чўтбоева ёлғиз ўзи 2 нафар фарзандни тарбиялайди. Бир боласи ногирон. Унга ногиронлик аравачаси олиб берилди. Ўзи ишга жойланди.

Ҳудудда миграция бўйича вазият доимий назоратга олинган. Йил бошида 155 нафар фуқаро хорижда экани аниқланган эди. 28 нафари қайтиб келди. Уларнинг 12 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, маҳаллада улкан ўзгаришлар бўлмоқда. Қувонарлиси, бу ишларда аҳоли фаол қатнашмоқда. Ҳамма ўз иши, юмуши билан банд. Вазифалар аниқ, режалар пухта. Мақсад — одамлар мушкулини осон қилиш, уларга кўмак бериш, ишсизлар бандлигини таъминлаш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш. Бунинг учун барча имконият мавжуд.





САРҲИСОБ

Ҳафтанинг ҳар бир куни хайрли амалга банд

Муҳаммаджон НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Чортоқ тумани бўлими бошлиғи.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги “2020-2022 йилларда Наманган вилояти Чортоқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳудуд ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг асосийси, 5 мингта янги иш ўрни яратилди. Аҳоли даромадини ошириш, уларни иш ўринлари билан таъминлаш учун пахта, ғалла экин майдонлари ва ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқартирилди, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, саноат салоҳиятини янада кўтариш, қишлоқ хўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга эришилди.

Мисол учун, Чортоқ туманида илгари 15-20 центнердан ҳосил берган 2 минг 100 гектар ғалла майдони қисқартирилиб, ўрнига 400 гектар интенсив боғ, 150 гектар токзор, 1 минг 550 гектар мева-сабзавотчилик йўналиши бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Туманда аҳоли томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ўз томорқасидан унумли фойдаланаётган хонадонлар сони ортиб боряпти. “Маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида “Бодомзор” маҳалласида аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, лойиҳалар ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Тикувчилик фаолияти билан шуғулланаётган маҳаллий тадбиркор Муҳайё Мирҳайдаровага ҳокимлик ва маҳалла фуқаролар йиғини амалий ёрдам кўрсатиб, бўш турган эски бино ижара асосида фойдаланишга берилди. “Дамариқ” маҳалласида тадбиркор Аюбхон Дадамирзаев “Дурдона текстиль” МЧЖ тикув корхонасини ташкил этиб, 15 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлади. Бу ерда болалар кийимлари ишлаб чиқарилади.

Етти гектар майдонда “Бешкапа” ва “Тинчлик” кичик саноат зонаси ташкил этилди.

Бандликни таъминлашда маҳаллалар ихтисослашуви ўрганилиб, янги ўсиш нуқталари аниқланди. Унга кўра, “Тинчлик”, “Гулшан”, “Бешкапа” маҳалласида “Ғиждувон тажрибаси” асосида иш ташкил этилди. Алишер Навоий номидаги, “Кесканиёр”, “Оромгоҳ” ва “Наманган” маҳалласи “Зарбдор тажрибаси” бўйича саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасига ихтисослашди. Натижада жорий йил 6 минг 134 нафар ишсиз фуқаронинг 3 минг 729 нафари ишли бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида оғир шароитдаги 380 та камбағал оила рўйхатга олинди. Уларнинг 66 тасига тумандан, 10 тасига вилоят ташкилотидан раҳбар бириктирилди. Ҳозиргача 325 нафар камбағал оила вакили бандлиги таъминланди. 22 тасига 33 млн. сўмлик имтиёзли кредит, 12 та оилага 48 млн. сўмлик субсидия ажратилди. 26 та оилага 9,52 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 135 тасига ижтимоий нафақа тайинланди, 2 та оиланинг уй-жойи таъмирланди.

Жорий йилнинг бошида 8 минг 134 нафар фуқаро хорижий давлатларда миграцияда юрган бўлса, бугунги кунда 3 минг 103 нафари қайтиб келди. Уларнинг 512 нафарининг бандлиги таъминланди, 39 нафарига имтиёзли кредит ажратилди.

Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси асосида 357 та хонадон намуна асосида танлаб олинди. Натижада 231 та иш ўрни яратилди. 5 минг 303 нафар фуқаро ишли бўлди.

Ҳудудда ўзига хос ташаббус йўлга қўйилди. “Маҳалла еттилиги”нинг кунлик, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режалари, намунавий бир ойлик тадбирлар дастури тайёрланиб, ҳафтанинг ҳар бир кунига рамзий ном берилди. Масалан, душанба — маданият ва санъат, сешанба — оммавий ва миллий спорт, чоршанба — маънавият ва маърифат, пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш, жума — саломатлик, шанба — тадбиркорлик ва бандлик кунлари этиб белгиланди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

“ЕТТИЛИК” ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

Поп туманидаги “Ҳазрати Боб” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Бунинг натижасида “маҳалла еттилиги” ходимларига алоҳида хона ажратилиб, зарур моддий-техника жиҳозлари билан таъминланди.

СЕРВИС КОМПАНИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

“Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, маҳалла сервис компаниялари ташкил этиш белгиланган.

Юқоридаги қарор асосида Зарбдор туманидаги “Тошкесган” маҳалласида сервис компаниясининг қурилиш ишлари бошланди.

САВДО ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТДИ



Бухоро вилоятининг барча маҳаллаларида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Жумладан, Қоровулбозор туманининг “Бўзачи” маҳалласида озиқ-овқат савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада тумандаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар ўзлари етиштирган мева ва сабзавотлар, гўшт маҳсулотлари билан иштирок этди.

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Хитой Халқ Республикасининг “Ал Карал” компанияси вакиллари Сирдарё туманининг “Қуёш” маҳалласида бўлди.

Хорижий компания билан маҳалла ҳудудидаги 1 гектар майдонда Хитой тажрибаси асосида аҳоли томорқаларида етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳосилдорлигини янада ошириш, экинларнинг касалликларга қарши курашиш борасида минераллар манбаини тўғри танлаш бўйича замонавий иссиқхоналар қурилишига келишиб олинди.

ТАЖРИБА

Узоқ йиллик муаммолар қисқа вақтда ечим топди

Маҳаллада 1 минг 200 га яқин хонадонда 5 минг 440 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 5 та қишлоқ, 12 та кўча мавжуд.

Низом ХУДОЁРОВ,
Каттақўрғон туманидаги Мелихўжа номидаги маҳалла раиси.

2024 йилда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш асосида маҳалла янада замонавий кўриниш касб этди. Қисқа муддатда аҳоли учун ичимлик сув, электр энергияси, йўл муаммоси, ариқ-зовурларни тозалаш, бандликни таъминлаш, газ таъминотини яхшилаш ишлари олиб борилди, бир нечта ижтимоий соҳа объектлари янгидан қурилди.

Ҳомийлик асосида ўта оғир шароитда яшовчи, эҳтиёжманд тоифадаги 16 та оиланинг турар-жойи жорий ва капитал таъмирланди, 857 та хонадон ободонлаштирилди. 220 дан ортиқ хонадонни электр энергияси, сув, газ баллон билан таъминлаш, интернет тармоғига улаш, чиқиндини олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. Ҳомийлик ва ҳашар йўли билан қурилган 7 та хонадан иборат замонавий маҳалла биносида “маҳалла еттилиги” фаолияти учун шароит яратиб берилди. Бинонинг ён қисмида жойлашган гузар таъмирланиб, хотин-қизлар учун тикувчилик корхонаси иш бошлади.



Бундан ташқари, умумтаълим мактаби мукаммал, учтаси жорий таъмирланди. Маҳалла аҳолиси учун янги “Workout” спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. 19-мактабгача таълим ташкилоти биноси ҳомийлик ҳисобидан 4 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий қиёфага келтирилди, “Гулобод” оилавий шифокорлик пункти қурилиб, жиҳозлар билан таъминланди.

Эркаклар сартарошхонаси, аёллар гўзаллик салони қурилиб, 2 та янги трансформатор ўрнатилди, 16 таси таъмирланди. 710 та бетон устун қўйилди. Трансформаторлар эҳтиёт қисмлари савдоси бўлими, 5 та паррандачилик цехи, 2 та автобекат, 7 та озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони, 1 та оталар чойхонаси, 1 та дорихона, 6 та бошқа турдаги савдо марказлари ҳамда 26 гектар майдонда узумчиликка ихтисослаштирилган боғ барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. “Драйвер” — паррандачилик, чорвачилик. Ҳозирда узумчилик ҳам ўсиш нуқтасига айланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 44 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 21 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 48 нафар фуқаро жамоат ишларига жалб этилиб, 61 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиши, 19 нафарининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига ёрдам кўрсатилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. 20 нафар ижтимоий дафтарда турган фуқарога 471 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, 10 нафар фуқарога банк кредити олишда кўмаклашилди, 17 нафарига 170 миллион сўмлик асбоб-ускуна харид қилиш учун субсидия ажратилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 11 гектар майдонда 6 та боғ ташкил этилгани ҳам қувонарли.

Маҳалла тадбиркорларнинг кўплиги ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳисобига саноат хабига ҳам айланмоқда. Ҳозирдан маҳаллада трансформатор ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, узумчилик, паррандачилик “драйвер” лари фаолият юритмоқда.

Ҳудудда томорқадан унумли фойдаланиб, уни даромад манбаига айлантирганлар кўп. “Сайхунобод тажрибаси” асосида Иним топди қишлоғининг 2 та кўчаси маккажўхори етиштиришга ихтисослашган. Бундан ташқари, 8 та хонадонда паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик йўлга қўйилган.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида хатлов ишлари натижасида йил бошида 123 та камбағал оила рўйхатга олинган эди. Ҳаракатлар самарасида 80 таси камбағалликдан чиқарилди.

Бир сўз билан айтганда, қисқа вақтда аҳолини қийнаб келган муаммоларга ечим топилди.





ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва чорвачилик соҳаларида институтлар ташкил этилади.



Самарқанд давлат университети битирувчилари дунёнинг TOP-100 талик университетида МАГИСТРАТУРАни давом эттиради.



Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ПОКИСТОН ва ТАИЛАНД билан икки томонлама музокаралар якунланди.

ТАҲЛИЛ

Ташаббус ортгани сари ободлик, кўркамлик тобора кенгаймоқда

Сўнгги йилларда маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, обод ва кўркам қиёфага кирмоқда. Ҳудудлардаги инфратузилманинг яхшиланиши табиийки, одамлар ҳаёт сифатини оширмоқда. Айниқса, мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида бошланган бунёдкорлик ишлари чекка ва олис ҳудудлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди. Жойларда аҳоли учун муҳим шарт-шароит яратиб беришга бўлган эътибор ошди, ташаббуслар қўллаб-қувватланди. Бу каби ўзгаришлар туманимиз маҳаллаларида ҳам акс этмоқда.



Жаҳонгир ЖАҲОНБОЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Данғара тумани бўлими бошлиғи.

Ҳудуддаги, 15 та маҳалланинг 24,7 км. ички йўли асфальтланди, 29,2 км. тупроқ йўл шағаллаштирилди. 988 та яроқсиз симёғоч алмаштирилиб, 43,7 км. янги тармоқ тортилди. 192 та трансформатор таъмирланди. Бундан ташқари, 5 та маҳаллага 7,5 км. масофада табиий газ қувури, “Сой шилдир” маҳалласига 4 км. узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди.

Барча фуқаролар йиғинлари вилоятда намунали маҳаллалар сафида эътироф этилмоқда. Ҳозирда “Доимобод”, “Тайпоқ”, “Катта турк”, “Катта бойбуча” ва “Тарғова” каби оғир тоифадаги ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, “Маҳалла бюджети” тизими жорий қилингани қўл келиб, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муаммосини ҳал этиш имкони пайдо бўлди.

Таҳлилларга кўра, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича жорий йил 990 миллион 200 минг 510 сўм маблағ маҳаллалар ихтиёрида қолди. Бу маблағ эвазига 46 та маҳаллага планшет харид қилинди. 10 тасига қуёш панели ўрнатилди. Яна 15 та фуқаролар йиғини компьютер ва принтер билан таъминланди. Қолган маблағга ҳудуд инфратузилмаси яхшиланиб, зарур мебель жиҳозлари сотиб олинди. Бунинг учун жами 401 миллион 85 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳашар ва ҳомийлик ёрдами билан “Янги замон” маҳалласида яшовчи эҳтиёжманд оила вакили Нилуфар Шерматова, “Қизилмушт” маҳалласида яшовчи Рўзимат Неъматуллаевга янги уй қуриб берилди. “Доимобод” маҳалласида яшовчи Машрабжон Юсупов, Сапияхон Ҳамидованинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Бу каби ишлар “Катта Аравон”, “Шодлик” маҳаллаларида изчиллик билан олиб борилди. Бундан ташқари, “Доимобод” маҳалласининг Истиқлол кўчасидаги 1 км. ички кўча ҳашар йўли билан шағалланди, 500 метр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди. “Катта Аравон” маҳалласининг Ёшлар кўчаси асфальтланди.

“Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки” шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 28 гектар майдон ободонлаштирилди. Бу каби хайрли ишлар “Маҳалла обод — юрт обод” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари доирасида ҳам ташкил этилди. Унда 34,7 гектар майдон кўркам қиёфага кирди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг жорий йилдаги баҳор ва куз мавсумида мевали, манзарали дарахт ва гул кўчати экилди.

Маҳалла ходимлари зиммасидаги вазифани ўз вақтида ва сифатли бажариши учун тумандаги барча фуқаролар йиғинлари ҳолати таҳлил қилинди. Унга кўра, “Тангрикул” маҳалласига давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино қурилди. “Катта бойбуча” ва “Таптиқсарой” маҳаллалари учун бино қурилиши бошланди. Бундан ташқари, жорий йил давомида “Тайпоқ”, “Манғит”, “Тумор”, “Капасарой”, “Оқжар”, “Қашқар”, “Қизилмушт”, “Катта минглар” каби маҳаллалар раислари ташаббуси билан бинолар таъмирланди. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Шодлик”, “Катта минглар” каби 10 та маҳаллага компьютер тўплами берилган бўлса, “Тайпоқ” маҳалласига мебель жиҳози тақдим этилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида туманда 380 та камбағал оила танлаб олинди. Улар ташкилот раҳбарларига бириктирилди. Барчасининг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, зарур ёрдам кўрсатилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш керакки, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда янги имконият яратди. Масалан, лойиҳа доирасида тумандаги “Бой бўта” маҳалласи табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммосига ечим топди. “Қияли қўрғонча” ва “Оқтепа” маҳалласи ички йўлларни таъмирлашга эришди. “Сой шилдир” маҳалласига кўча чироқлари ўрнатилиб, тармоқ таъмирланди, болалар майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш бўйича кўплаб танлов ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича мунтазам спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар натижасида нафақат марказдаги, балки чекка ва олис ҳудуддаги маҳаллалар обод ҳамда кўркам масканга айланмоқда.



ТОМОРҚА МАКТАБИ

ХУРМО ҚАНДАЙ САҚЛАНИБ, ҚУРИТИЛАДИ?

Ҳар бир хонадонда турли мевали дарахтлар парваришланади. Улар ичида хурмо ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Бугунги мавзуда териб олинган мевани сақлаш ва қуритиш ҳақида маслаҳат берамиз.



“Қимизак” нави -1 ва 0 даража ҳароратда сақланганда, 4 ой ва ундан кўпроқ муддат туради. “Фую” нави, одатда, 5 даража ҳароратда сақланади. Аммо ҳар бир мева алоҳида қилиб 0,06 мм. қалинликдаги полиэтилен халтачага жойланса, 0 даража ҳароратда 5 ойгача бузилмай туриши мумкин. Етилган, қаттиқ қимизак (тахир) нав совуқ хонада камида 1 ой туради. Бу мевалар музлатилган ҳолда 6–8 ойгача таркибини ўзгартирмайди.

Хурмо мевасини қуритиш Япония ва Бразилияда кенг тарқалган. Пишиб етилган, аммо ҳали юмшаб улгурмаган таранг мева узиб олингандан кейин пўстлоғи арчилиб, бандидан осиб қўйилади. Арчилганда учида озгина пўстлоқ қолиши керак, акс ҳолда кўп суюқлик оқиб кетади. Осилган мева офтобда 30-50 кун давомида қуритилади. Бир хилда тўқима тузилишига эга бўлиши ва таъми яхшиланиши учун ҳар 4-5 кунда қўлда эзғилаб ишлов бериш керак. Қуригандан сўнг “терлаши” учун тўп-тўп қилиб ўраб қўйилади. Натижада, хурмо юзасида шакар кристалл доначаси ҳосил бўлади. Шамолда қуриши учун яна осиб қўйилади. Уй томи тагида 30-50 кун давомида қуритилса, терисида ҳам шакар кристалл доначаси шаклланади. Мева таркиби 50 фоизгача шакардан иборат бўлиши мумкин. Қуритиш ундаги тахирликни йўқотади.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Музаффар ТУРҒУНОВ.
Тўрткўл тумани:

— Оилам билан ажрашганман. Ишсиз сифатида рўйхатда тураман. Собиқ турмуш ўртоғим билан ўртада бир нафар фарзандимиз бор. Ҳар ой ишсиз шахслар учун меъёрдаги алимент суммасини тўлаб бораман. Лекин ноябрь ойида тўлов қимматлади. Энди 1 миллион 346 минг 798 сўм тўлаяпман. Алимент тўлови оширилдими?

АЛИМЕНТ МИҚДОРИ НЕГА ОШДИ?



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— Оила кодексининг 140-моддасида, агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса ёки унинг иш ҳақи ёки даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақтда Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилиши белгиланган. Статистика агентлиги ҳисоблаб чиққан Ўзбекистондаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳозирги кунда 5 387 194 сўмни ташкил қилмоқда.

Бугунги кун ҳолатига кўра, Мажбурий ижро бюросининг расмий mib.uz сайти орқали ишсиз бўлган алимент тўловчилар учун ҳар ойлик алимент миқдорлари, болалар сонига қараб, бир нафар бола учун — 1 346 798 сўм, икки нафар болалар учун— 1 795 731 сўм, уч ва ундан ортиқ болалар учун— 2 693 597 сўмни ташкил қилмоқда.

Дарҳақиқат, бу миқдорлар ноябрь ойи бошланишида камроқ суммада берилган. Октябрь ойидан бошлаб, иш ҳақлари ошиши ҳисобига ўзгариш бўлди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ҳам кўтарилди. Натижада, бугунги кун ҳолатига ишсизлар тўлаши керак бўлган алимент миқдори юқорида кўрсатилган қийматга тенглаштирилди.

ТАЖРИБА

Иссиқхона ишсизлар бандлигини таъминлади

Маҳаллада 7 минг 190 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий даромад манбаи — гул, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари етиштириш. “Драйвер” — иссиқхона хўжалиги, гулчилик, кўчатчилик.

Оллошукур РАЖАБОВ, Хонқа туманидаги “Гулистон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Йил бошида 192 нафар ишсиз қайд этилганди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 150 нафарининг бандлиги таъминланди. Қолган 42 нафари касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Бандликни таъминлашда 8 нафарига имтиёзли кредит, 4 нафарига субсидия ажратилди. Бундан ташқари, хатловда 206 та камбағал оила рўйхатга олинганди. Бугунги кунгача аксариятига зарур ёрдам кўрсатилди.

“Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида қайта ўрганиш ўтказилди. Унга кўра, 5 та оила танлаб олиниб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими раҳбарига бириктирилди. Ўтган вақт ичида камбағал оилаларда яшовчи 4 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ёркиной Юсуповага субсидия асосида тикув машинаси берилди. Натижада ўзини ўзи банд қилди. Саида Йўлдошеванинг фарзандлари фан ва спорт тўгарагига жалб этилди.



Маҳаллада гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, шу орқали оилалар даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил бошида 20 нафар ишсиз аёл қайд этилган бўлса, бугунги кунга келиб, барчаси иш билан таъминланди. Улар маҳаллада иш олиб бораётган гулчиларга бириктирилди.

“Собиржон Юсуф” номли кўчатчилик фермер хўжалигига қарашли иссиқхона 5 гектар ерда жойлашган. 50 минг тупдан ортиқ гул кўчати мавжуд. Асосан шафран, бинафша, пеларгония каби хона ва ер гуллари етиштирилмоқда. Иссиқхонада 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

Айни вақтда маҳалладаги иссиқхоналарда иш қизғин. Гул кўчатларидан ташқари, миришкорлар узум, лимон етиштиришни йўлга қўйган.

Иш ўринлари яратиш, янги имкониятлар излаб топиш мақсадида қўшимча “драйвер” сифатида қулупнайчиликни ривожлантириш таклифини ишлаб чиқдик. Шу таклиф асосида талабгорларга ер майдони ҳамда имтиёзли кредит ажратилмоқда.

Қувонарлиси, юқоридаги саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудда янги иш ўринлари яратилиб, ишсизлик ва камбағаллик қисқартириляпти.



Хитой пойтахтида НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ваколатхонаси очилди.



Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши саёҳат йўналиши деб топилди.



“Uzbekistan Airways” янги йил байрамига талабалар учун 50 фоиз ЧЕГИРМА эълон қилди.

САМАРАДОРЛИК

Етакчи салоҳиятли бўлса, ёшлар ёлғиз қолмайди

Туманимизда 40 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 206 минг 128 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 114 минг 645 нафарини ёшлар ташкил қилади.



Умар УСМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Беруний тумани бўлими бошлиғи.

Йигит-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида ўрганиш, бандлигини таъминлаш мақсадида улар ҳуқуқ-тартибот органларига бириктирилди. Ҳудуддаги 18 минг 372 нафар ёшнинг муаммолари аниқланган ва уларга ечим топилган. Шу билан бирга, кўмакка муҳтож “оғир” тоифадаги 452 нафар ёшга тумандаги 28 та корхона ва ташкилот раҳбарлари бириктирилиб, уларда аниқланган 71 та муаммо “йўл харитаси”га биноан, бартараф этилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти. Яқинда ўтказилган шундай тадбирда 42 нафар ишсиз ёш ҳудуддаги корхоналарга тикувчилик, ип йигирувчилик ишларига йўлланма олди. 10 нафар ёшга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Бундан ташқари, касб-ҳунарга ўқиш курсларини тугатган 10 нафар йигит-қизга сертификат ва диплом берилди.

Ёшларга ажратилган ерларда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида сабзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Хусусан, ёшлар етакчилари ёрдами билан “Лолазор” маҳалласидаги 13 нафар ёш 30 сотихдан ер майдони олиб, карам ва сабзи маҳсулотларини етиштирмоқда. Айни кунларда йиғим-терим ишлари бошланиш арафасида. Ёшларимиз бу йилги ҳосилдан 30 миллион сўмгача даромад олишни режа қилган. Худди шундай, Дўстлик овул фуқаролар йиғинида 30 йил муддатга ёшларга ижара шартномаси асосида ажратилган ерларга экилган қовунларнинг ҳосили бу йил ўзгача. Хусусан, Жонибек Олимбоев 1 гектар ердан камида 40 миллион сўм даромад олишни режа қилган.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёшлар билан ишлаш ва уларнинг муаммоларини тинглаш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар етакчиси маҳалладаги ҳар бир ёшнинг фикрини инобатга олиб, уларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини чуқур ўрганиш орқали бу масалага тизимли ёндашиши зарур. Бу уларнинг ишончини қозонишга ёрдам беради ва фаол бўлишга ундайди. Ана шу йўлда жорий йилда жиноятчиликка мойил бўлган 89 нафар ёш ҳуқуқ-тартибот органларига бириктирилиб, ёшлар етакчилари улар билан индивидуал иш олиб борди. “Ҳаракатлар режаси” тузилди ҳамда жиноятчиликнинг оғир оқибатларини тушунтирган ҳолда, ёшларни тўғри йўлга солишга муваффақ бўлинди.

Миграциядаги ёшлар билан ишлаш — маҳалла фаолидан катта салоҳиятни талаб қилади. Боиси чет элда рўзғор ташвишида юрган кишини ортга қайтариш, унинг бандлигини таъминлаш, шу ернинг ўзида хориждагидан кўпроқ даромад топишига кўмаклашиш — ўзидан ўзи бўладиган иш эмас. Буни тўғри англаган ҳолда, миграциядаги 2 014 нафар ёш билан алоқалар йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари жалб этилиб, уларни қийнаётган масалаларга ечим топилди.



Жумладан, “Турон” маҳалласида яшовчи 20 ёшли Аброр Шомуродов миграциядан қайтгач, деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўргана бошлади. Ёшлар етакчиси кўмаги асосида “Ёшлар дафтари”га киритилиб, аукцион орқали унга 30 сотих ер майдони ажратилди. Такрорий экинга кунгабоқар экиб, ҳозирда ҳосил парвариши билан машғул.



Кунгабоқар 80-140 кунда пишиб етилади, ўз вақтида агротехник тадбирлари олиб борилса, самарадорлик яхши бўлади. Аброр каби ўнлаб ёшлар бугун ердан даромад олиб, рўзғори баракасига ҳисса қўшяпти.

Туман ёшлари “Беш ташаббус олимпиадаси”да фаол қатнашиб келади. Биргина мисол: жорий йилда улар Қорақалпоғистон Республикаси босқичларида 6 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини, мамлакат босқичларида 2 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишга эришди. Мазкур ташаббус доирасида 30 мингдан ортиқ ёш қамраб олинди. Ҳар бир соҳада юқори натижаларга эришган ёшлар маҳалласига қайтгач, шогирд тайёрлаб, уларга бор билим ва малакасини ўргатишни йўлга қўйган.

Ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлашга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Уларнинг мурожаатлари тингланиб, вақтида ҳал қилинишини таъминлаймиз. Мақсадимиз — ёшларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва уларга бу йўлда кўмак беришдир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Наргиза ҚОДИРОВА. Наманган шаҳри:

— Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Яқинда фан олимпиадаси бўлиб ўтди ва унда ўқувчим пастроқ балл олибди. Олимпиададан сўнг мактабда “педкенгаш” бўлиб ўтди. Мажлисда олимпиадада ўқувчиси паст балл тўплаган ўқитувчиларга “ҳайфсан” жазоси беришга қарор қилишди. Саволим шуки, менга бу вазиятда интизомий жазо берилиши тўғрими?

“ЎҚУВЧИМ ПАСТ БАҲО ОЛДИ, МЕНГА “ҲАЙФСАН” БЕРИШДИ...”



Илёс АБДУЛЛАЕВ, Наманган шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

— Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2024 йил 16 октябрдаги 334-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) ходимларининг лавозим йўриқномалари”га мувофиқ, ўқитувчининг лавозим мажбурияти белгиланган бўлиб, улардан бири — ўқувчиларни ўз фани бўйича фанлар олимпиадалари, турли танловлар ва мусобақаларга тайёрлаш ҳисобланади.

Агар ўқитувчи ўқувчини олимпиадага тайёрлашда ўзига боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширса, яъни муайян даврда мунтазам равишда ўқувчи билан ишласа, унга керакли манбаларни топишда, улар билан ишлашда ёрдам кўрсатиб, у билан шуғулланган бўлса, ўқитувчига интизомий таъсир чораларини қўллаш мумкин эмас. Сабаби, Меҳнат кодексининг 313-моддасига кўра, интизомий жазо чорасини қўллашда содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, унинг содир этилиши ҳолатлари, ходимнинг аввалги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Шунга кўра, агар Сиз ўз мажбуриятингизни бажарган, бироқ бошқа объектив сабаблар туфайли ўқувчи ўрин ололмаган бўлса, Сизга интизомий таъсир чорасини қўллаш нотўғри ҳисобланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

АЙРИМ ЁШЛАР ДАВЛАТ ИШИГА ТАНЛОВСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

“Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган.

Фармон билан 2025 йил 1 мартдан бошлаб ёлғиз она (ота)га бир нафар фарзанди учун бола(лар) 3 ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун **БҲМнинг 1 ярим бараваригача** *(562 минг 500 сўмгача)* миқдорда моддий ёрдам берилади *(моддий ёрдам эгизакларнинг ҳар бири учун берилади)*.

2025 йил 1 февралдан бошлаб:

- *оилавий болалар уйини ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат* ***тўлиқ оила бўлиши талаби*** *бекор қилинади;*
- ***30 ёшга тўлган*** *фуқароларга оилавий болалар уйини ташкил этишга рухсат этилади;*
- *ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар оилага тарбияга (патронат) фақат уларнинг қариндошларига берилади;*
- *етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш харажатлари, оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга* ***болани тарбиялагани (парваришлагани) учун ажратиладиган маблағлар*** *тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлагунига қадар берилади.*

Эндиликда алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволидан қатъи назар давлат ёки нодавлат муассасаларнинг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган болага тўланаётган алимент миқдорини суд камайтирмайди ёки уни алимент тўлашдан озод қилмайди.

Олий таълим муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган **ёшлар давлат фуқаролик хизматига танловсиз** қабул қилинади.

ҚИЁФА

Бўш вақт бекор ўтказилса, жиноят кўпаяди

Етакчилик шундай вазифаки, ҳар вақт ёшларнинг масъулиятини ҳис қилиб, куйиб-ёниб ишлашни талаб қилади. Мен буни яхши англаган ҳолда, қаерда бўлмай, улар ҳақида доимо қайғураман. Йигит-қизларни яратилаётган шароитлардан воқиф этиб, эндигина бирор ишнинг бошини тутаётганларга кўмакчи бўлиб, ёнида тураман.

Сирожиддин БЕКМУРОДОВ, Ромитан туманидаги “Азизон” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Ёшлар иқтидорини шакллантиришга алоҳида эътибор берилса, албатта, бу натижа бермай қолмайди.

Ҳозирда ёшларнинг даромад топиш чораларини излаш билан бандман. Баҳорги-ёзги мавсумда буғдой, маккажўхори, қовун-тарвуз, буғдойдан фойда олиб, энди қишки мавсумда нима қилсам экан, деб турган йигит-қизларга иссиқхона қуришни таклиф қилдим. Совуқ кунларда ҳам ердан фойдаланиш имконияти мавжудлигини уларга тушунтирдим. Сўнгра тажрибали деҳқонларни жалб этиб, ёшларга иссиқхонада экин етиштириш сирларини ўргатдик. Айни пайтда имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қуришни бошлаб юборганмиз. Бу орқали 8 нафар ёшни иш билан банд этишни режа қиляпмиз.

Йил бошида хонадонма-хонадон юриб, ёшлар шароитини ўргандим. Кўпи ишлашга қодир, аммо нима қилишни билмай турибди. Уларни шу оннинг ўзида хатловга олиб, ер олишни таклиф қилдим. Суғоришга қулай, сувли жойдан 30 сотихдан ер ажратиб бердик. Тажрибали деҳқонларни бириктирдик, улар ёшларга нималарга аҳамият бериши кераклиги, мўл ҳосил олиш йўллари ҳақида тавсиялар беришди. Шукрки, ҳамма ишлар режа асосида ташкил этилгани боис йигит-қизлар кутганимиздан-да мўмай даромад олиб, бизни хурсанд қилди. Жумладан, Мадина Юнусова водий қовун-тарвузларини етиштириш таклифини берганди. Унга мутахассис бириктириб, ишини кузатдик. Меҳнаткашлиги боис, бошқаларга қараганда юқори даромадга эришди. Биринчи ҳосилни олгач, кетидан гулкарам экди. Унинг фойдасини олдинги маҳсулот билан таққосламоқчи. Қай биридан мўл ҳосил ва кўп фойда олса, шуни кейинги йилда кўпроқ етиштиришни мўлжаллаган. Очиғи, бу қиздан бунчалик шиддаткорликни кутмагандим. Ишнинг кўзини биладиган Мадинани бошқаларга намуна қилиб кўрсатаман. Ким астойдил меҳнат қилса, албатта, мевасини кўришини тушунтираман.

Ушбу вазифага келишимдан олдин спорт мураббийи бўлиб ишлардим. Ёшлар етакчиси бўлгач, йигит-қизларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш учун спорт билан мунтазам шуғулланишларини назорат қилишни бошладим. Қизиқишларини орттириш мақсадида мактабда тез-тез спорт тадбирларини ташкил этиб, ғолибларни рағбатлантираман. Биринчи навбатда, машғулотларни ўтказиш учун бизга каттароқ спорт мажмуаси керак эди. Ҳомийлар кўмагида спорт мажмуаси қурдик. Қарангки, маҳалламиз аҳолиси ҳам бунга бефарқ бўлмади. Кўнгилли ёрдам бермоқчи бўлган ота-оналар фарзандларини моддий томондан қўллаб-қувватлашди. Спорт анжомларини олиб беришди. Ҳозир ўзим бошчилигимда кечки пайтда спорт мажмуасида ёшлар билан жам бўлиб, турли машғулотларни бажарамиз.

Ёшлар иқтидорини шакллантиришга алоҳида эътибор берилса, албатта, бу натижа бермай қолмайди. Ҳозирда ўзим мураббийлик қилаётган бир нечта йигит-қиз мусобақалардан ўрин олиб келяпти. Мисол учун, Бахтиёр Фахриддинов миллий кураш бўйича вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади. Келажакда спорт турларини кўпайтириб, чемпион ёшлар сонини оширмоқчиман.

Кўпгина етакчилардан эшитиб қоламан: ёшлар орасида жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар сони ортиб боряпти. Менимча, бунга улар бўш вақтини бекор ўтказаётгани сабаб бўляпти, деб биламан. Шунинг учун ёшларни турли тўгаракларга, қўшимча дарсларга, спорт машғулотларига жалб этиб, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишга уринаман. Шукрки, бизда бу каби ёшлар учрамайди. Уларнинг бўш вақтини назоратда тутиб, нима қилаётганидан доимо воқиф бўлишга интиламан.

Юқорида айтганимдек, яқинда ёшлар учун каттагина спорт мажмуаси қурдик. Албатта, бу хайрли иш ҳомийлар, мурувватли инсонлар кўмаги билан амалга ошди. Бироқ муаммо шундаки, йигит-қизлар мажмуада спорт билан шуғулланиши учун замонавий машғулот анжомларига етарлича эҳтиёж бор. Имкони бўлсаки, машғулотлар ўтказиши учун янги спорт жиҳозларини олиб келсак, бу ташаббус ёшларнинг спорт билан шуғулланишида рағбат уйғотиб, кўплаб мусобақаларга тайёргарлик кўриш имкониятини оширарди.



5.48. “Баланд пиёдалар ўтиш жойи.

Ўзбекистонда янги — “Баланд пиёдалар ўтиш жойи” ЙЎЛ БЕЛГИСИ жорий этилди.



ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ: телеграмм Ўзбекистонда кибержиноятлар энг кўп содир этилаётган платформага айланди.



“Самарқанд – Тошкент – Самарқанд" йўналишида “АФРОСИЁБ” поезднинг қўшимча қатновлари йўлга қўйилади.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

АОС ТЎЛАШГА 2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЎТИШ МУМКИН

Солиқ даврида, яъни2024 йил 1 январдан 31 декабрга қадар товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан олинган жами даромади 1 млрд. сўмдан ошмаган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқ (АОС) тўлаш режимига 2025 йил 1 январдан бошлаб ўтишга ҳақли.

Бунинг учун ҚҚС тўловчилар томонидан айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтилаётган навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай, яъни 2024 йил 15 декабргача **my3.soliq.uz** ҳаволаси орқали электрон ариза юборилади.

ҚҚС тўловчилар бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилганда, навбатдаги солиқ давридан айланмадан олинадиган солиқ тўлаш режимига ўтади:

– ҚҚС тўлаш тартибига камида 12 ой олдин ўтган бўлса;

– Солиқ кодексининг 461-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҚҚС тўлашнинг мажбурий мезонлари мавжуд бўлмаса.

Тақдим этилган ариза юқоридаги тартиб ва муддатларга мос бўлса, солиқ тўловчи 2025 йил 1 январдан АОС тўлашга ўтказилади. Акс ҳолда ариза рад этилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам солиқ тўловчининг шахсий кабинетига қарор юборилади.

Умид НАСРИДДИНОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТИ УЧУН ФИСКАЛ ЧЕК ШАКЛЛАНЯПТИ



Онлайн-такси агрегаторларининг солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашуви натижасида йўловчи ташиш хизмати учун тўловларга электрон фискал чек шаклланяпти.

Онлайн-такси агрегаторлари шакллантирилган чекларни **my3.soliq.uz** порталидаги шахсий кабинети орқали кўришлари мумкин. Бунинг учун “Юридик шахсларнинг онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари” саҳифасига ўтиш ва “Чек маълумотлари” бўлимида **“Такси агрегатори чеклари”** менюсини танлаш керак. Шундан сўнг чек тури, фискал модул рақами, чек берилган даврни белгилаб, “Қидириш” тугмаси босилади. Белгиланган саналарда шаклланган барча чеклар экранда акс этади.

Онлайн-такси агрегаторлари орқали фаолият юритаётган ҳайдовчилар ҳам шахсий кабинетида такси агрегаторлари томонидан ташувлар учун шакллантирилган чеклар ҳақида маълумот олишлари мумкин. Бунинг учун “Онлайн-НКТ маълумотлари” саҳифасидаги “Кунлик комиссионер ҳисоботи” бўлимида “Такси агрегатори чеклари” менюсини танлаш керак. Шундан сўнг агрегатор фискал модули, ташиш даври белгиланади. Қидириш натижасида кунлик ёки ойлик ташиш суммаларини кўриш мумкин.

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ЖАРАЁН

“Сайхунобод тажрибаси” 432 та хонадонга қут-барака, фаровонлик олиб киряпти

Каттақўрғон туманидаги 69 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича барча маҳаллаларнинг баланси ҳамда ҳар бирининг “Омбор китоби” шакллантирилди. Шу асосида ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди, ёшларга ер ажратилди, хонадонлар обод қилиниб, кўчаларда ҳашар ташкил этилди.



Илҳом НОРМУРОДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Каттақўрғон тумани бўлими бошлиғи.

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, “маҳалла еттилиги”, сектор раҳбарлари, туман ҳокимлиги ва тижорат банклари ҳамкорлигида 14 900 нафар фуқаро ишли қилинди. Уларнинг 2 175 нафари доимий иш ўрнига эга бўлган бўлса, 150 нафари мавсумий пиллачиликка жалб этилди. 5 200 нафари турли йўналишларда ўзини ўзи банд қилди. 721 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди, 4 414 нафарига кредит, 542 нафарига субсидия маблағлари ажратилди. 1 698 нафари бошқа йўналишларда бандлиги таъминланди. Шуниндек, 1 670 нафар ёшга деҳқончилик учун 650 гектар ер майдони ажратилди. Уларда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли ҳамда бошоқли донлар етиштирилди.

Туманда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жорий йилнинг 10 ойи мобайнида 564 та лойиҳа бўйича 125,6 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди. “Сайхунобод тажрибаси”дан келиб чиқиб, 432 та хонадон интенсив боғ, паррандачилик, балиқ етиштириш, асал экспорти каби йўналишларга ихтисослаштирилди. Шунингдек, 4 414 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 110 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 4 960 та янги иш ўрни яратилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 670 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 565 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. 345 та камбағал оила тумандаги 138 нафар раҳбарига бириктирилиб, “маҳалла еттилиги” билан биргаликда оилаларнинг ижтимоий портрети ва уларни камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида режалар ишлаб чиқилди. Натижада жорий йил бошида туманда 8 560 та камбағал оила бўлган бўлса, 1 декабрь ҳолатига кўра, уларнинг 4 181 таси камбағалликдан чиқарилган.

Аҳоли муаммоларини ўрганишлар давомида кўплаб масалалар ҳал этилди. Жумладан, 93,3 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. 6 та янги сув иншооти қўйилди. 28 км. ички йўллар асфальтланди. 93 км. тупроқ йўллар шағаллаштирилди. 15 та янги трансформатор ўрнатилди. 452 та симёғоч алмаштирилди. 12 км. газ тармоғи тортилди. Аҳолига 45 000 дона суюлтирилган газ баллони етказиб берилди.

Шунингдек, 6 500 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. 53 нафарида жарроҳлик амалиёти бажарилди. 2 350 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ёрдам, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда уни беталофат ўтказиш мақсадида туман сектор раҳбарлари ва ташкилот раҳбарлари 69 та маҳаллага масъул этиб бириктирилди. Махсус штаб ташкил этилиб, вилоят штаби билан кунлик ҳисобот алмашиш тизими йўлга қўйилди. 215 та ижтимоий соҳа объекти хатловдан ўтказилди. Аниқланган 106 та муаммонинг барчаси ижобий ҳал этилди. Шу тариқа, 215 та объект мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.

Тумандаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган ҳамда аҳоли мурожаатлари кўп тушган “Мелихўжа”, “Дўстлик”, “Себистон” маҳаллаларидаги муаммолар бартараф этилиб, “Самарқанд таржибаси” жорий этилди.



СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Ҳунармандчилик соҳасида рўйхатдан ўтганлар 70 фоизга ортди

Солиқ инспекторларининг “маҳалла еттилиги” таркибида иш бошлаши барча учун манфаатли бўлмоқда. Аввало, фуқароларнинг йиллар давомида ўз ечимини топмаган солиқ билан боғлиқ масалалари ҳал этилди. Солиқ тўловларни туман марказида эмас, ўз маҳалласида, хонадонида амалга ошириш имконияти яратилди. Маҳаллаларда қўшимча манбалар аниқлаш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушумлар ортди.

Ҳусниддин СУЛТОНОВ,
Тўрақўрғон туманидаги “Ўртақишлоқ”, “Темирқишлоқ”, “Олчин” ва “Дашт” маҳаллалари солиқ инспектори.



Бу жараёнда “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтириб боряпмиз. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғи тушумларининг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини кенг тарғиб қиляпмиз. “Маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлашимиз натижасида фуқароларнинг мазкур соҳадаги билим ва тушунчалари ортиб, мавжуд солиқ тўловларни ўз вақтида амалга оширмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йил режасида кўрсатилган 1 млрд. 79 млн. сўмни бир ой олдин ортиғи билан бажардим.

Бугунги кунда “еттилик”-нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтиряпмиз. Масалан, “Ўртақишлоқ” маҳалласи қандолатчиликка, “Темирқишлоқ” темирчилик ва тунукасозликка, “Олчин” ва “Дашт” йиғинлари мебелчилик ва савдо соҳасига ихтисослашмоқда. Ҳозир мазкур маҳаллаларда 34 та юридик шахс, 121 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 124 та деҳқон хўжалигида турли полиз маҳсулотлари етиштириляпти. Ўзини ўзи банд қилган 796 нафар фуқаронинг 425 нафари ижтимоий солиқ тўловчиси ҳисобланади. Уларнинг 4 нафари тадбиркорлик субъекти сифатида иш бошлади.

Маҳаллаларда ҳунармандлар кўп. Шу боис ишсиз, хорижга кетиш истагида бўлган фуқаролар “устоз-шогирд” анъанаси асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тажрибали ҳунармандларга бириктирилиб, бандлиги таъминланмоқда. Ҳунар ўрганган ёшларнинг асарияти кредит олиб, шу соҳада тадбиркорлик фаолиятини бошлаётир. Қувонарлиси, ҳунармандчилик соҳасида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлар сони ўтган йилгига нисбатан 70 фоизга ортган.

Тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган фуқароларга амалий ёрдамлар бериб, оёққа туришига кўмаклашяпман. Улар билан доимий мулоқотда бўлиб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларини тушунтиряпман. Жорий йил ўтказилган хатлов жараёнларида 2 та объект аниқланиб, қўшимча 3,4 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 2 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 2 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 2 та корхонада норасмий ишлаётган 6 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Натижада 26,9 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Жорий йил якунига қадар биргина жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 1 млрд. 649,1 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Шунинг 10 фоизи, яъни 164,9 млн. сўм миқдори маҳаллалар бюджетида қолади.

Самарадорлик кўрсаткичи бўйича ҳар ой юқори баллни қўлга киритиб, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси билан тақдирланяпман. Келгусида маҳаллаларда тадбиркорлар сонини янада ошириб, маҳаллалар бюджетига тушумларни кўпайтирамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Ҳозир мана шу ҳолатдан фойдаланган ҳолда Сирдарё бўйига қуёш панели ўрнатяпмиз. Натижада сувдан электр энергия ишлаб чиқариб маҳаллалар эҳтиёжи учун ишлатамиз, ортганини сотамиз. Шу орқали сув етиб бормаган ҳудудларга сув олиб борамиз.



Ўзбекистон ва Хитой “Silk Road Energy Planning and Engineering” ҚЎШМА КОРХОНАсини ташкил этади.



Ўзбекистонда газ қуйиш шохобчалари фаолиятига ВАҚТИНЧАЛИК ЧЕКЛОВЛАР жорий этилади.



Янги Зеландия, Босния ва Герцеговина ҳамда Венесуэланинг Ўзбекистондаги ЯНГИ ЭЛЧИЛАРИ тайинланди.

ЖАРАЁН

Амалиётда “еттилик” таклифи инобатга олиняпти

Давлатимиз раҳбарининг маҳалла бошқарув тизимини такомиллаштириш ва “маҳалла еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фармон ва қарорлари асосида Қўшработ тумани маҳаллаларида ислоҳотларнинг чинакам шабадаси эсди. Кўплаб маҳаллалар обод бўлди, хонадонларга файз-барака кирди.



Абдунаби ХОЛБЕКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қўшработ тумани бўлими бошлиғи.

“Еттилик” бир жамоа сифатида шаклланиб, уларнинг коллегиал қарори асосида фуқароларга 57 турдаги ёрдам ва субсидиялар ажратилмоқда. Ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлиб, инфратузилмаси яхшиланмоқда. Муҳими, инвестиция дастурларини шакллантиришда “маҳалла еттилиги” билдирган таклифлар инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ана шундай ислоҳотлар натижасида ўтган қисқа давр мобайнида “еттилик” аъзолари, сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва ҳокимликлар ҳамкорлигида 3 596 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. “Сайхунобод тажрибаси” асосида 210 та хонадонга 45,9 минг бош тухум ва 28,5 минг бош гўшт йўналишида товуқлар имтиёзли кредит асосида етказиб берилди. Ҳозир бир ойда 1,1 млн. дона тухум ва 28,5 минг тонна гўшт етиштирилмоқда. Бунинг натижасида ички бозорда қўшни туманларга нисбатан тухум 150-200 сўм, товуқ гўшти 1000-1500 сўмга арзонлашди.

“Уйчи тажрибаси” асосида 1 367 та микролойиҳа ишга туширилиб, 2 042 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. “Зарбдор тажрибаси” бўйича мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги йўналишида лойиҳалар амалиётга татбиқ этилиб, 835 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йил якунига қадар жами 5 та инвестиция лойиҳаси доирасида 32,5 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилади. Келгуси йилда “Si Tong Stone” МЧЖ хорижий корхонасининг қиймати 50 млн. долларлик, “FUJIAN XINWANCHENG INVESTMENT” МЧЖ хорижий корхонасининг қиймати 30 млн. долларлик гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда “SAMARQAND MAITE BUILDING MATERIALS” МЧЖ хорижий корхонасининг қиймати 5 млн. долларлик ғишт ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилади.

Аҳоли муаммолари тизимли ўрганилиб, ҳар бир масала босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Шу кунга қадар 45 та маҳалладаги 723 та кўча ва 23 451 та хонадонда аниқланган 1 260 та муаммонинг 1 132 таси ҳал этилди. Жумладан, 8 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. Иккита янги сув иншооти ўрнатилди. 20 км. ички йўллар асфальтланиб, 43 километри таъмирланди. 140 км. тупроқ йўллар шағаллаштирилди. 5 та янги трансформатор қўйилди. 750 та симёғоч алмаштирилиб, 150 та қўшимча ўрнатилди. 8 км. электр симлари тортиди. 70 та тунги ёритиш чироқлари қўйилди. Шунингдек, 109 та қабристон ободонлаштирилди. 2 км. узунликдаги лоток, ариқ, канал ва зовурлар тозаланди.



Жорий йил давомида тумандаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган 10 та маҳалладаги муаммолар ҳал этилди. Маҳаллаларнинг моддий-техник таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Булоқбоши” ва “Шована” маҳаллалари хизмат бинолари билан таъминланди. Йил якунига қадар яна иккита маҳалла ўз идорасига эга бўлади. Шунингдек, 45 та маҳаллага компьютер ва 25 та кўп функцияли принтер ускуналари ҳамда 2 та маҳаллага мебель жамланмалари тақдим этилди.

Туманда бу борадаги амалий ишлар давом эттирилмоқда. Йил якунига қадар режадаги барча ишлар “еттилик” назорати остида тўлиқ амалга оширилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Низоли, нотинч оилалар билан манзилли ишлаяпмиз

Сўнгги йилларда мамлакатда энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бевосита жойларда самарали хизмат ўташимиз учун муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратилмоқда.

Аҳмаджон МИРЗАЕВ, Оққўрғон туманидаги “Навбаҳор” маҳалласи профилактика инспектори.

Бир йил олдин мазкур маҳаллада иш бошлаганимда тан жароҳати ва ўғрилик билан боғлиқ жиноятлар кўп бўлгани учун “қизил” тоифада эди. Шу боис дастлабки фаолиятимни ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини “еттилик” имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этиш чораларини кўришдан бошладим. Нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишладик. Жамоат жойлари, савдо дўконлари ва йўл бўйларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатилиб, туман ички ишлар бўлимига интеграция қилинди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” иштирокида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳар бир шахснинг хонадонига бориб, унинг яқинлари, маҳалла нуронийлари иштирокида маъмурий муҳокамалар ўтказяпмиз. Унда фуқароларга хатти-ҳаракатлари жиддий оқибатларга олиб келиши юзасидан ҳуқуқий тушунчалар берилиб, аҳолининг мавжуд муаммоларини шу жойнинг ўзида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Низоли, нотинч оилаларнинг 50-60 фоизи ишсизликдан келиб чиқаётганини инобатга олсак, бу борада аҳолининг бандлигини таъминлашга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим бўлади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ишсиз аҳолини ишли қилишга, ёшларни ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланишига ҳаракат қиляпмиз. Ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. 31-, 32-, 33-умумтаълим мактабларида футбол, волейбол, кураш, шахмат, шашка тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Мини футбол стадионимиз кечаю кундуз спортсеварлар билан гавжум. Қувонарлиси, фаол ўқувчиларимиз ҳар йили “Беш ташаббус олимпиадаси”да чемпионликни қўлга киритиб келмоқда.



Келгусидаги асосий вазифамиз — “сариқ” тоифадан “яшил”га ўтиш. Бунинг учун, аввало, ишсизликни камайтириш йўлларини излаяпмиз. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий билимини янада ошириб, турли фирибгарлик ва жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этиш учун тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу жараёнларни амалга оширишда “еттилик” аъзолари энг яқин кўмакчим ва ҳамкоримга айланган.

СУД ҲУКМИ

ОҒУ ЎЗ МАНЗИЛИГА ЕТМАЙ ТЎХТАТИЛДИ

Инсоният йигирманчи асрда жуда катта ютуқларга эришди. Оламшумул кашфиётлар қилинди. Кўплаб дардларга даво топилди. Бироқ одамзот йигирма биринчи асрга ўзи билан гиёҳвандлик деган балони олиб ўтдики, бугунги кунда бу муаммо барчани бирдек ташвишга соляпти. Бир сўз билан айтганда, офат ер юзини қамраб олди. Айниқса, ёш йигит-қизларни бу бало ўз домига тортаётгани ниҳоятда ташвишлидир.

Гиёҳванд моддани истеъмол қилишни бошлаган ўспиринни, унинг оиласини, яқинларини катта ҳалокат кутиб тургани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу балога ружу қўйган ёшлар тақдири қандай якун топишини барчамиз биламиз. Ота-она, қариндош-уруғларнинг адоқсиз кўз ёшларини кўрганмиз.

Бу иллатга ружу қўйганлар пул топишнинг ҳар хил йўлларини излайди. Ҳатто энг тубан ишга қўл уради. Чунки унинг хоҳишини қондириш учун маблағ зарур. Одатда, гиёҳвандлар ҳеч қаерда ишламайди. Ўз-ўзидан тушунарлики, уларнинг молиявий манбаи фақат ота-онаси, қариндошлари ва уйидаги мулкидир. Пул тополмагач, ўғрилик, талончилик, ҳатто қотиллик йўлига кириб боради. Натижада ашаддий жиноятчига айланиб қолади.

Пойтахтимизда яшовчи 30 ёшли Собир ва Жаҳонгир исмли йигитлар шу йилнинг 24 февралида Тошкент тумани ҳудудида гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда эгаллаш ва келгусида сотиш режасини тузишади. Улар ижтимоий тармоқ орқали номаълум шахс билан танишиб, унга гиёҳвандлик воситасини сотмоқчи эканини билдиришганида, харидор 600 минг сўм пулни уларнинг пластик картасига ўтказиб беради. Ижтимоий тармоқ орқали юборилган манзилдан полиэтилен пакетга ўралган гиёҳвандлик воситасини қабул қилиб олган харидор унинг бир қисмини танишига 200 минг сўмга сотади.

Собир бошқариб бораётган автомашина Яккасарой тумани “Ракат” маҳалласида тезкор ходимлар томонидан тўхтатилиб, кўздан кечирилганда, салон ичида пакетга ўралган ўткир ҳидли, тўқ жигар рангли модда борлиги аниқланган. Шу жойнинг ўзида у холислар иштирокида баённома асосида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг хулосасига кўра, Собирга тегишли ўткир ҳидли модда “гашиш” экани аниқланган. Олиб борилган тезкор тадбир давомида унинг шериги Жаҳонгир ҳам ушланди.

Суд ҳукми билан Собир 5 йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Унинг шериги Жаҳонгирга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Баҳодир ҚАЮМОВ, Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг судьяси.

ҲУҚУҚ

Жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа маркази бошлиғи.

Низом билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби белгиланди. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам – қонунда белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ, давлат ҳисобидан тўлиқ ёки қисман кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам ҳисобланади.

Қуйидаги жисмоний шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади:

– кам таъминланган шахслар (фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар, маъмурий ишлар бўйича ариза берувчилар, маъмурий қамоқ жазоси назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар ҳамда жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек, маҳкумлар бўлса);

– руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;

– ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

– жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам ушбу шахслар маъмурий қамоқ жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолларда кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида адлия бўлимига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади:

– электрон шаклдаги мурожаатлар Ягона идентификация тизимидан (OneID) рўйхатдан ўтган ҳолда, “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали юборилади.

– оғзаки ва ёзма мурожаатлар тегишли адлия бўлими томонидан мурожаат келиб тушган куннинг кейинги иш кунидан кечиктирмай тизимга киритилади.

Адвокатга белгиланган миқдорларда ҳақ тўланиши билан бирга хизмат сафари ва транспорт харажатлари адвокат шартнома тузган жойдан 50 км. масофадан узоқ бўлган ҳудудда юридик ёрдам кўрсатилган ҳолларда қопланади.



Уй қамоғидаги шахсларни ЭЛЕКТРОН БРАСЛЕТ орқали назорат қилиш тартиби тасдиқланди.



Талабаларга “WORK AND TRAVEL” дастурлари доирасида йўл харажатлари учун ссуда берилади.



Ўзбекистонда иситиш ва иссиқ сув таъминоти тарифлари 2025 йил давомида 15 фоиздан ИККИ МАРТА оширилиши мумкин.

БИР НАЗАР



Касбига меҳри борнинг меҳнатида баракаси бўлади

Инсон ўзи қизиққан иш билан банд бўлса, ютуқлари ҳам шунга мос тарзда юқори бўлади. Кўл учида, вақт ўтказиш учун бажарилган юмуш билан бор меҳрни бериб, диққат-эътиборни жамлаб қилинган меҳнатни бир-бири билан солиштириб бўлмайди.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон тумани бўлими бошлиғи.

Айни шу мақсадда бугунги кунда аҳоли қизиқиш ва имкониятидан келиб чиқиб, маҳаллаларнинг ривожланиш нуқталари белгилаб олинган. Туманимизда бу борада мақтаса арзигулик натижалар бисёр. Хусусан, “Миробод” маҳалласини оладиган бўлсак, сўнгги 10-15 йил ичида мебель ишлаб чиқариш бўйича катта натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳудуддаги 345 та хонадоннинг 70 таси мазкур фаолият тури орқали даромад топиб келяпти. Сойибжон Худойбердиев 15 йилдан бери мебелчилик билан шуғулланади. У ясаган сўнгги ва замонавий дизайндаги стол-стул, диван, ошхона ва ётоқ тўпламлари республикамизнинг барча туманларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонга ҳам экспорт қилиш йўлга қўйилган. Уста ҳунари ортидан даромад топишдан ташқари, ёшларга устозлик ҳам қилиб келмоқда. Айни вақтда 5-6 нафар шогирди мустақил равишда ўз бизнесини ташкил қилган. 11 нафар йигит эса иштиёқ билан соҳа сирларини ўрганиб келаётир. Улар орасида юқори синф ўқувчиларининг борлиги кишини хурсанд қилади. Ахир айтишади-ку, ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақш кабидир, деб.



“Миробод” маҳалласи юртимизда қалампир етиштириш орқали катта ном қозонгани билан эътиборга молик. Бу ердаги ҳар бир хонадонда гармдорининг 8 хил навидан қайсидир бирини, албатта, учратасиз. Кичик-кичик томорқаларга биринчи навбатда, 25 см.дан масофа қолдириб, қалампир экилади. Кейин улар ўртасидаги бўш жойларга 50 см. дан қилиб маккажўхори уруғлари қадалади. Уларнинг бўйи 1 метргача ўсгач, қўшимча равишда мош экишади. Шу тариқа бир вақтнинг ўзида 3 турдаги маҳсулотдан ҳосил оладиганлар кўпчиликни ташкил этади.

Бундан ташқари, “Миробод” маҳалласи зиравор етиштириш ва қадоқлаш бўйича катта тажрибага эга. Жумладан, Низомжон Йўлдошев 10 йилдан буён мазкур йўналишда фаолиятини ташкил этиб келаётир. 20 хилдан ортиқ зираворларни махсус идишларга қадоқлаб, юртимиздан ташқари, дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилмоқда. 8 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаган. Айни вақтда иш ҳажмини янада кенгайтириш ҳаракатида юрибди. Хориждан сўнгги русумдаги техникаларни олиб келган. Келгуси йилдан янги иш ўринларини ташкил этишни режалаштирган.

“Деҳқон” маҳалласидаги деҳқонлар қишин-ёзин тиним билмай меҳнат қилишади. Айни кунларда аҳоли томорқаларга узум навдаларини экиш билан банд. Бундан ташқари, 42 та хонадонга кредит асосида иссиқхона қуриб берилди. Улар помидор, бодринг ва саримсоқпиёз етиштириш орқали даромад топишни бошлаган.

Ҳудуддаги 60 нафар аёл ён-атрофдаги тикувчилик корхоналарида меҳнат қилмоқда. Улар учун бепул транспорт хизмати ва тушлик ташкиллаштирилган. Ойлик маоши 2 миллион сўмдан бошланиб, ходимнинг лавозими ва қилаётган ишига қараб ошиб бораверади.

Саломат Отахонова маҳалла тавсияси билан олган кредитига 2 та тикув машинаси харид қилди. Айни вақтда 2 нафар ёрдамчиси билан ётоқ тўпламлари тикиб келмоқда. 3 нафар фарзанди ёнида. Уй юмушларини саранжом-саришта қилиб, рўзғорига муносиб тарзда ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Келгуси йил баҳордан фаолиятни кенгайтирмоқчи.

Ўз устида ишлаётган, тер тўкиб меҳнат қилаётган кишиларни кўрганда, уларга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Юрт равнақи йўлида қўлни қўлга бериб, тиним билмаётган маҳалладошларимиз ҳақиқатдан ҳурмат ва эътиборга лойиқ.

ЯНГИЛИК

АДАПТИВ СПОРТ ГУРУҲИНИ ТАШКИЛ ЭТСА, 50 ФОИЗ УСТАМА ҚЎШИЛАДИ

Президентнинг “Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Адаптив жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилади. Шунингдек, ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциациясининг асосий вазифалари белгилаб берилмоқда.



2025 йил 1 февралдан бошлаб, адаптив спорт ва жисмоний тарбия мутахассислари учун махсус қайта тайёрлов ва малака ошириш курслари ташкил этилади. Курс якунида махсус сертификат берилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари малака сертификатига эга тренерларга адаптив спорт турлари бўйича гуруҳлар ташкил қилиш ва ногиронлиги бўлган болаларни қабул қилиш имконини беради. Олий таълим муассасасини яқинда тугатган битирувчилардан сертификат талаб этилмайди.

Ногиронлиги бўлган шахслар спорт мактаблари ва адаптив спорт гуруҳларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали осон танлаш имкониятига эга бўлади.

Адаптив спорт гуруҳларини ташкил этган тренерлар маошига 50 фоиз устама қўшилади. Гуруҳлар фаолияти “Инсон” марказлари ва “ERP-sport” электрон тизими орқали назорат қилинади.

ЭЪТИБОР

КЕРАГИДА КЎМАК БЕРИЛСА...

21 ёшида турмушга чиққан бухоролик Нодира*(исми ўзгартирилган)*нинг ўтиллари кетма-кет ногиронлик билан туғилади. Шу сабаб турмуш ўртоғи билан ажрашади.

Зарнигор НАФИДДИНОВА.

Қаров ва парваришга муҳтож бўлган фарзандини ҳеч кимга ишона олмаган она икки болани тарбиялаш, уларни моддий таъминлаш учун ишлаши зарур эди. Истамаса-да, боласини Мурувват уйига топшириш йўлини излайди. Бироқ...

Унинг аҳволидан хабар топган тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъуллари болани тиббий-педагогик комиссиядан ўтказиб, уни Бухоро шаҳридаги 18-сон кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасига йўналтиришди.

Эндиликда аёл бемалол ишлаб, жамиятда фаол бўлиши, фарзанди эса керакли муолажаларни олиб, оила бағрида вояга етиши мумкин.

ИНСОНПАРВАРЛИК

Иккинчи имконият

Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки сиҳат-саломатликда, бошқа биров оила, дўстлар, яхши даромадли ишда, деб билади. Умуман, бахт ҳақида гап борганда, ҳар ким уни ўз дунёқараши, тафаккури, қаричи билан ўлчайди. Маҳкумликдаги одам учун эса озодлик, оиласи бағрида бўлиш энг катта бахт саналади.



Шу боис сўнгги йилларда адашиб жиноят йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, адашганлар ҳам шу мамлакат фуқароларидир.

Ҳар қандай инсон ҳаётда яшар экан, хатога йўл қўяди, адашади. Аммо энг муҳими қилинган хатолардан хулоса чиқариб, тўғри йўлда давом этишдир. Чин кўнгилдан пушаймон бўлган инсонга, албатта, иккинчи имконият берилади. Президентимизнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони ҳам бу борада муҳим омил бўлди. Фармонга мувофиқ, жазо муддатини ўтаётган 483 нафар шахс афв этилди.

...Фарғоналик Нуриддин Абдуҳафизов ҳаёт йўлларида адашиб, умрининг энг қувончли кунларини панжара ортида ўтказаётган эди. Жазо ўташ давомида босиб ўтган йўлларини, хатоларини таҳлил қилиш имконига эга бўлганини таъкидлар экан, қалбини қийнаган туйғуларини яширмади.

— *“Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади”, деган гап рост экан,* ***— дейди Н.Абдуҳафизов.*** *— Билиб-билмай эгри йўлларга кириб қолдим. Аммо бу ерда шукрни, борига қаноат қилишни ўргандим. Издан чиқиб кетган бўлсангиз, изга солиб қўядиган жой экан. Ўзим учун жуда кўплаб тўғри хулосалар чиқардим. Афсуски, бу ерда оилам бағридан узоқда бўлдим, бобомни сўнгги манзилга кузата олмадим. Топганим эса китоб ўқиш натижасида адабиётга меҳр қўйганим бўлди. Шеър ёза бошладим. Шу кунга қадар 70 га яқин ижод намуналарим босилиб чиқди. Президентим ва халқим томонидан кечирилганим, афв қилинганлар қаторида эканимдан яратганга шукрона келтирдим. Озодликда ҳалол меҳнат қилиб, юртим равнақига ҳисса қўшишни мақсад қилганман.*

...Оиласи бағрига талпинган отани рафиқаси, янги келинчак, “маҳалла еттилиги”, ҳуқуқ-тартибот идоралари қарши олди. Давлатимизнинг кечиримлилик сиёсати сабаб яна бир собиқ маҳбус — Муроджон Атоев ўз оиласи бағрига қайтди. Кўришда нуқсони бор, буйрак, тизза бўғимларидаги оғриқлар унга икки йил ичида азоб берган рост. Аммо ўзининг кенжатой, эрка қизини куёвга узатиш чоғида оқ фотиҳа бериш унга насиб этмагани Муроджон қалбини тилка пора қилгани ҳам айни ҳақиқат. Нима бўлганда ҳам икки йил муқаддам жиноят кўчасига кирган оила сардорининг қилмишлари давлат раҳбарининг фармони билан муддатидан 5,5 йил олдин кечирилди.

— *Президентимизга раҳмат, қилган гуноҳимни кечирди,* ***— дейди Муроджон Атоев.*** *— Энди ҳеч ёмон йўлга кирмайман. Фарзандларим, невараларимни тарбиялаб, меҳнат қиламан. Шундай кечиримли, меҳрибон, ғамхўр юртда яшаётганимдан хурсандман.*

Муроджон Атоев яхшигина ошпаз. Ўз иши, севган касби бор. Энг ёмон томони, оила аъзолари у кетганидан сўнг, уй масаласида фирибгарларга рўбарў келди. Турмуш ўртоғи ва фарзандлари ижара уйда саргардон бўлди. Аммо бугун бу муаммолар унут бўлди, чунки оила раҳбари яна улар билан бирга...

Бугун Муроджон Атоев ҳамда Нуриддин Абдуҳафизов каби 483 нафар маҳкумнинг оиласида қувончли лаҳзалар ҳукмрон. Бу кунлар шукронаси, албатта, имкон берилган юртдошларимизни Ватан тараққиёти йўлида камарбасталикка чорлашга шубҳа йўқ.

Уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши “маҳалла еттилиги” зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айниқса, афв этилганларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши бу масъулиятни икки ҳиссага оширади. Буни тўғри англаган ҳолда, маҳаллаларда улар билан манзилли ишлар йўлга қўйилади, ҳаётга мослашишига кўмаклашилади.



Ёш курашчиларимиз ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА 30 та олтин, 30 та кумуш ва 12 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

2024 WORLD ABILITYSPORT YOUTH GAMES
SONGKHLA | THAILAND

“World Ability Sport-2024”: ПАРА АТЛЕТЛАРИМИЗ 55 та олтин, 9 та кумуш ва 8 та бронза медаль жамғариб, ғолибликни қўлга киритди.

UZBEKISTAN SUPERLEAGUE

2025 йилдан футбол бўйича ЎЗБЕКИСТОН СУПЕРЛИГАСИда 16 та жамоа қатнашади.



ЖАРАЁН

Тадбиркорларимиз эл дастурхонини тўкин қилиш иштиёқида

“Давлатбой” маҳалласидаги 509 та хонадоннинг 450 тасида чорва моллари боқилади. Аҳоли узоқ йиллардан буён шу йўналиш билан банд бўлгани боис катта тажриба ва малакага эга. Ёш йигит-қизлардан тортиб, нафақага чиққан нуронийларгача уйида қўй, сигир, бузоқ парваришлаб, яхшигина даромад топишга ўрганиб қолган. Вақтида ем-ҳашагини бериб, суғориб турилса, бундан осон иш йўқ.

Валишер ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Олот тумани бўлими бошлиғи.

Акбар Маматов ҳали ёш бўлишига қарамай, 5 йилдан буён чорвачилик билан шуғулланиб келади. Айни вақтда уйида 50 та қорамоли бор. Бозордан кичик бузоқларни харид қилади-да, уларни 200-300 кг. бўлгунча яхшилаб боқади. Кейин килограммини 90 минг сўмдан ҳисоблаб сотади. Ўрнини яна



бошқалари билан тўлдириб бораверади.

Жорий йилда Акбар Маматовга 5 гектар такрорий экин учун ер олиб берилди. Буғдойдан бўшаган майдонга маккажўхори экди. Сўталар чала пишгани ҳолда йиғиб олиниб, махсус ускунада чорва моллари учун ем тайёрлатди. Бу емиш, айниқса, бўрдоқига боқилаётган буқаларни тез семиртиради.

Акбар Маматовга доимий ёрдам бериб келаётган синглиси мурожаатига асосан, 10 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Улар бу маблағ эвазига фаолиятини янада кенгайтиришга эришди. Эл дастурхонига ширин ва мазали гўшт маҳсулотлари етказиб беришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб олишган.

Руслан Бебутов тадбиркорликни бошлаганига ҳали кўп бўлмади. Икки йил аввал уйида ташкил этган ошхонаси бугунга келиб гавжум масканга айланган. Мижозларга улар тайёрлаётган олот сомса ва бухороча кабоб жуда манзур бўлмоқда. Фуқарога оилавий тадбиркорлигини ривожлантириши учун имтиёзли равишда 15 миллион сўм кредит берилди.

Баҳодир Жумаев ҳам 100 миллион сўм кредит эвазига умумий овқатланиш шохобчаси ва савдо дўконининг фаолиятини янада кенгайтирди. Катта ҳажмдаги электр печь харид қилгач, иши аввалгидан анча осонлашди. Озиқ-овқат дўкони учун махсус мебель ясатиб, кўринишини янгилади. Эндиликда тадбиркор маҳалламиз ва хонадонларга келган меҳмонлар олдига дастурхон ёзиб, миллий таомлар билан муносиб тарзда сийламоқда.

Туманимиздаги “Арабхона” маҳалласида йил бошида рўйхатга олинган 29 та камбағал оиладан 25 тасининг шароити яхшиланишига эришдик. Фуқароларнинг қизиқиш ва имкониятларидан келиб чиқиб бандлигини таъминладик. Қолган 4 та оила билан бошланган ишлар ҳали якунига етгани йўқ. Йил охирига қадар камбағалликни тўлиқ қисқартиришга эришишни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳудудимизда “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. “Арабхона” маҳалласида куз мавсуми учун режалаштирилган 15 минг туп дарахт кўчатлари деярли экиб бўлинди.

Шокир Тангриевнинг кўчат етиштириш бўйича 25 йиллик тажрибаси бор. Томорқасидаги ўрик, шафтоли, гилос каби мевали дарахтлар данагидан бақувват ва серҳосил кўчатлар ундириш бўйича унинг олдига тушадигани йўқ. Шу кунларда ҳовлисида 30 минг дона ниҳоллар сотишга тайёр турибди. Нафақат маҳалламиз аҳолиси, балки қўшни қишлоқдагилар ҳам боғбоннинг доимий харидорлари ҳисобланади.

Эл дастурхони тўкин бўлса, кунлари шукр ва хотиржамлик билан ўтса, биз учун бундан ортиқ бахт йўқ. Қолган юмушларни сабр ва матонат билан секин-аста амалга оширса бўлади. Энг муҳими, одамларимизда шижоат ва жўшқинлик бор. Олдига қўйган мақсади сари дадил одимлаяпти. Уларнинг ёнида далда бўлиб турсак бас.

НАТИЖА

Оналар боғ барпо этса...

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Оналар яшил макон сари”, “Юртимиз жамолига оналар ҳиссаси”, “Онам эккан райҳонлар”, “Набирамга туҳфам”, “Яхшидан боғ қолади” каби шиорлар остида маҳалла ва ҳудудлардаги “Оналар боғи”та мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказишда хотин-қизлар фаол иштирок этиб келяпти. Янги ташаббус сифатида жойларда 100 га яқин “Оила боғи” ташкил этилмоқда.



Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова таъкидлаганидек, оналар боғ барпо этган жойларда, “Оила боғи” қад ростлаган манзилларда фарзандлар ҳам албатта, она табиатга меҳрли бўлади. Уларда экологик маданият шаклланади, юксалади, қадриятлар эъзозланади. Ёшлар табиатни асраб-авайлашга интилади, ташаббускорлик, изчиллик, меҳнатсеварликни ўрганади.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳудудий бошқармалар, бўлимлар ва маҳалладаги хотин-қизлар фаолларига “Долзарб 5 кунлик”, “Ҳар бир хотин-қиздан – 5 туп ниҳол” шиори остида “Оналар яшил макон учун!” акцияси йўлга қўйилди. Акция доирасида тизимдаги 6 мингдан зиёд ходимлар 30 минг туп дарахт кўчатларини ўтқазишди.

Туман(шаҳар)ларда ташкил этилган “Оналар боғи”да 2021 йил 24 минг 174 та, 2022 йил 38 минг 322 та, 2023 йил 46 минг 65 та ва 2024 йилда 56 минг 80 та мевали ва манзарали дарахтлар экилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз оналар ва боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг хонадонига мевали дарахт кўчатлари экишга кўмаклашилмоқда.

МАНЗАРА

“Боламни олиб кетаман”, дегани билан оиладаги низо тинчиб қолмайди

Зилола Қўнишова ўзи мустақил равишда асаларичилик билан шуғулланаётганига ўн йилдан ошди. Аввал қайнотаси шу соҳада фаолият олиб боргани боис етарлича малака ва тажриба орттирган унга қўл келди. Айни вақтда 100 қути асалари парваришлаётган аёлга турмуш ўртоғи Ёркин Қўнишов ҳамда 4 нафар фарзанди доимий кўмакчи. Жорий йилда уларга иш кўламини кенгайтириши учун 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Марҳабо ХИДИРОВА,
Қўшработ туманидаги “Пичот” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Зилола опа асаларилари эрта баҳор келиши билан ҳудудимизда жойлашган тоғ ёнбағирлари ва кенг яйловларга олиб чиқади. Дарахтлар гуллаганда, боғ-роғлардан томчилаб асал тўплайди. Шундан кейин биринчи ҳосил йиғилади. Ёз ойларида янтоқлар гулга киргач, Жиззах вилоятига отланишади. Асалнинг бу тури доривор хусусиятлари билан ажралиб туради. Пахта далаларидан олинган ширалар эса жуда баракали бўлади.

Зилола Қўнишова гарчи бирор расмий фаолият тури билан банд бўлмаса-да, қўли-қўлига тегмай меҳнат қилади. Ҳозирги кунда 100 та товуқ парваришлаб, қўни-қўшниси ва дўконларга тухум сотяпти. 6 бош қарамоли ортидан дастурхонида ҳамиша сут-қатиғи бор. Хонадони сой бўйида жойлашгани боис, сув ёқасига теракнинг



Калифорния турини экиб, 3-4 йилда 20-30 миллион сўмга пуллайди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, 50 сотихли томорқасида картошка, шолғом, лавлаги ва сабзи каби сабзавотлар етиштириб, йилига икки марта ҳосил олади. Ҳовлисидаги олма, шафтоли, ўрик дарахтларининг мевасидан бутун маҳалла баҳраманд бўлмоқда. Бу ҳаракатчан оилага қараб кўпчилик ҳавас қилади.

Зебо Жўраевани маҳалламиздагилар қўли гул чевар ва қалби дарё устоз сифатида ҳурмат қилишади. У бўш турган бинода ташкил этган ўқув курслари сабаб, жорий йилда 30 нафар хотин-қиз янги ҳунар эгаллашга муваффақ бўлди. Битирувчилар оила ва уй юмушларидан бўш бўлганда, олган буюртмаларини тикиш учун устозининг олдига шошилади. 7 та сўнгги русумдаги тикув машинаси уларнинг хизматига шай. Барчаси иштиёқ билан ўз устида ишлаб, тобора малакасини оширяпти. Аёллар чопонларни 100 минг, нимчаларни 70-80 минг сўмдан тикиб, мўмай даромад топяпти. Келгусида Зебо опа билан биргаликда маҳалламиздаги ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида кичик тикув цехи очишни режалаштириб турибмиз.

Аввалари аёллар ўчоқда овқат қилган бўлса, энди энг чекка манзилларга қадар газ етиб боряпти. Электр таъминоти анча яхшиланган. Кирларни машина ювиб беради. Бирор нарса пиширамиз, десак, хонадонларда сўнгги русумдаги печлар муҳайё. Лекин шунга қарамай, орамизда турмушидан норози бўлган, арзимаган сабаблар билан рўзғорининг тинчини бузаётганлар борлиги жуда ачинарли.

Айтайлик, 2024 йилнинг бошидан буён 10 дан ортиқ оилани ажрашиб кетишдан сақлаб қолдик. Кўпчилигида низони юзага келтираётган баҳона — ўзаро бир-бирини тушунмаслик. Ҳайрон қоласан киши, уларга тинч-хотиржам яшаши учун нима етишмас экан-а? Эр-хотиннинг ўртасидан салгина гап қочса, дарров қизнинг онаси хабар топади. Олди-орқасини ўйламай, “боламни олиб кетаман”, деб етиб келади. Ўртада юзага келган совуқчиликни кейин бартараф қилиш осон кечмаслигини сира ўйлаб кўрмайди.

Баъзан оилавий можароларни муҳокама қилганда, мулоҳазакор, кўпни кўрган ота-оналарга раҳмат айтамиз. Биздан аввал ўзлари фарзандига қийинчиликларни енгиб ўтгандан кейингина бахтга эришиши мумкинлигини чиройли тарзда тушунтириб беришади. Шундай ҳолатларда ортиқча сўз айтишга ҳожат қолмайди. Муаммо жойида ҳал бўлади. Кўриб турганингиздек, қизимиз ёки ўғлимизнинг турмуши тинч бўлиши кўп жиҳатдан биз катталарга боғлиқ.

МАҚСАД САРИ

КАТТА РЕЖАЛАР САРИ ШАҲДАМ ОДИМЛАР БИЛАН

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаолиятини ривожлантираётган тадбиркорлар тобора кўпаймоқда.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Туман ҳудудидаги кичик саноат зонасида бир нечта ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд. Хусусан, ёш, изланувчан ва шижоатли тадбиркор Дилдора Ҳайитбоева сутни қайта ишловчи “Kamron gold mediya” масъулияти чекланган жамияти ҳамда нон ва қандолат маҳсулотларини тайёрлайдиган “Равшанбек-Юлдузхон” хусусий корхонасини ташкил этган.

Тадбиркор Дилдора Ҳайитбоеванинг таъкидлашича, онаси билан биргаликда кунига 100 та нон ва патир ёпишдан бошланган фаолияти бугунги кунга келиб замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган катта цехга айлантирилган. Цехда ҳозирда 30 нафардан зиёд ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Кунига 600 литрдан зиёд сут қайта ишланиб, 10 дан ортиқ турдаги сут маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Тадбиркор келгусида тумандаги ҳар бир маҳаллада сут ва нон маҳсулотларини аҳолига ҳамёнбоп нархларда сотадиган шохобчаларни ташкил этишни режалаштирган. Шунингдек, сариёғ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 130 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1220

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.